

# KEKSALIK gashti

10 / 2019

**1 октябрь —**  
**Үқитүвшилар ва мураббийлар күні,**  
**Халқаро қариялар күні**



# Уибу сонда:



## ДИЛДАН СУҲБАТ

### Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Она тилини унутган халқ қулликка маҳкумдир..... 4

## ҚАРОР ВА ИЖРО

### Икромхон НАЖМИДИНОВ

"Кексалар ҳафталиги" давом этади..... 6

## 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

### Олим ХЎЖАЕВ

Устозларимнинг устози..... 8

## МЕНДА ТАКЛИФ БОР

### Алимбай НИШОНОВ

Муаммо бор, ечими ҳам. Ҳафсала-чи?..... 12

## НАЗМ

### Халима АҲМЕДОВА

Уфқлар ортида зангори йўл бор..... 16

## МАЊНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

### Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

Чашма бўйидаги ташналар..... 18

## БОВОЛАР ТАҚВИМИ

### Полвон ТЎЛИЕВ

Ақраб — сарҳисоб ойи..... 22

## МУТОЛАА

### Дилбар САИДОВА

Эски қўшиқ..... 26

## ЭЪТИРОФ

### Абдурашид МИРЗАЕВ

Спортдан соглик ҳам, довруг ҳам топдим..... 28

## ҚАДРИЯТ

### Ҳилола ХЎЖАЕВА

Оталар ҳам алла айтган..... 32





## Она тилини унужтган халқ Құммыққа маҳқумидір

ёхуд “Шарлотта атлас күйлак киядими?”



Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бу йил 30 йил тұлди. Она тилимизнинг мавқеи ва нуғузини ошириш борасыда үтган шылдар давомида қандай амалий ишлар бажа-рилди? Мазкур үңалышдаги камчilik өткізу үшін көмек көрсету? Филологияның докторы Узок Жұрақұлов билан сұхбатимиз шу хүсусда.

— Аксарият мамлакатларда үз тилини билишга фахр, үзге тилини билишга еса зарурат сифатида қарашади. Аслида ҳам шундай бұлиши керак. Бизнинг жамияти-мизда-чи? Мана шу мувозанат қай даражада қарор топған?


— Ифтихор түйгүсінинг иккі қаноти бор: бири — мұхабbat, иккінчisi — сидқ. Миллай тил билан фахрланиш, күз устида тутиш учун тилини севиш, ҳар қандай вазияттда она тилига содиқ қола билиш лозим. Илло, бу үтә оғир иш. Севги ва садоқат йұлы — муттасил машаққат, синов йұлы. Тарихда ушбу синов йұлинин муносиб тарзда босиб үтган миллиаттар бармоқ билан санаарлы. Шу сабабдан тарих аксарият миллий тиллар сиёсий, иқтисодий, мәиший әхтиёжлар остида топталиб келганинга күп бор гүвоқ бұлған.

XX асрда бизнинг тилимиз ҳам сиёсий әхтиёжлар қурбонига айланды, үрнини ҳукмрон тилга бұшатып

беришга мажбур бўлди, давлат тили мақомидан четлатилди. Идора, иш юритищ, матбуот, таълим тили сифатида қадрсиз матоҳ каби күчага улоқтирилди. Совет сиёсати ўзбек халқы онгига үз тилидан манфаат йўқлиги ҳақиқидаги сафсатани турли йўллар билан сингдиришга ҳара-кат қилди. Сиёсат тилида сўзлаш сунъий равишда маданият, илм, маърифат, ижтимоий ифтихорга айлантирилди. Айни чоғ тилга оид бундай сиёсат доимий тарзда үтган асрнинг 20-30-йилларида ошкор намойиш этилган қатағон тишини эслатиб турди.

80-йиллар сўнгига келибгина миллий тилин асл ўзанига қайтариш йўлида уринишлар бошланды: тилимизга расман “Давлат тили” мақоми берилди. Матбуот, фан, таълим тили миллий либос кийди. Афсуски, бу жараён узоқ давом этмади. Фитрат татьбири билан айтганда, “дүнёдаги энг буюк ва баҳтсиз тил” ижтимоий,

иқтисодий ва машиий эҳтиёжлар кутқусига учради. Зеро, бошқарув тизимидағи шахсларнинг аксарияти миллий ўзандан узилган, тилга нисбатан мұхаббат нари турсин, оддий эътибор түйгусидан ҳам маҳрум кишилар эди. Шу таҳлит идора тизими эски, совет анъанаси бўйича давом этди. Бу пайтда оддий ҳалқ, тўтириғи “оломон” (А. Ориф таъбири) қорин фами билан овора бўлиб қолди. Қай йўл билан бўлмасин, нафсни қондириш, яхши яшаш истаги миллий тилга бўлган мұхаббат, сидқ түйгусидан устун келди. Ёш авлод зўр бериб хорижий тилларни ўрганиш, чет элга кетиш, иш, пул, обрў топиш пойгасини бошлаб



юбордик, айни ҳолат акс-садосини бугун ҳам баралла эшитиш мумкин.

Омма, яъни оломон ҳар доим ижтимоий, иқтисодий “вазият”га тобе бўлиб келган. Миллий тил, миллий маънавият, миллий тафаккур ҳудуди барпо этилмас экан, ўзбек тили чинакам ҳалқ тили бўла олмайди. Вазият масъулияти эса ҳамиша миллатнинг уч тоифаси — сиёsatчи раҳбарлар, олим-у ижодкорлар, муаллимлар зиммасида.

— **Она тилимизга эътиборни ошириш, тил иомуси учун масъулликни тил “истеъмолчилари”га сингдириш учун нималар қилиш керак? Айни вазифа фақат ўқитувчиларга юкланганми? —** Хўш, жамиятимизда миллий тил тизими қониқарли ишланиш учун нима қилишимиз керак?

Аввало, совет замонида аниқ сиёсий мақсад йўлида атайн қашшоқдашибирлигандар адабий тилимизни том маънода “ҳалқ тили”га айлантириш лозим. Зеро, ўша даврда шакллантирилган ўзбек адабий тилини ҳалқ, кўп миллионли ўзбек

ҳалқи мутлақо ўз тили, деб билмайди. Ҳалқ бу тилда сўзлашга, ёзишга қийналиб келган, бугун ҳам қийналмоқда. Қийналгани боис, ҳар бир ҳудуд учун муайян шевада сўзлашиш қулай. Ҳозирги ўзбек адабий тили уч буюк лаҳжа — қорлук, ўғуз, қипчоқ асосига қурилмаган. Дунёдаги барча туркий давлатлар тилига асос бўлган айни лаҳжалар хоссаси адабий тилимизда, қисман бўлса-да, акс этмаган. Оқибатда гўзал ва ўҳшали ўйқ тилимиз таниб бўлмас даражадаги тўмтоқ бир тилга айланниб қолган.

Иккинчидан, ҳалқ тили имкониятларини тўла намоён этувчи бой, мукамма, мустаҳкам адабий тилни

соҳаси ва матбуотнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, тўмтоқ адабий тил асосида фаолият юритаётган бу икки тизим бугунгача билиб-билмай, асл ҳалқ тилини қашшоқлашибирлигиз вазифасини бажариб келяпти, холос.

— **Муассаса номи сифатида урчиган ўзлашма атамаларга муносабатингиз қандай?**

— Ҳалқимиз бисотида отонанинг фарзанди олдидаги биринчи вазифаси унга келажакда уялтиrmайдиган, чиройли исм қўйиш, деган ҳикматли фикр бор. Муассасалар номи, пештоқлардаги ёзувлар, умуман, турли атамалар муаммоси мавжудлиги, энг аввало, зиммамиздаги вазифани унтиб қўйганимиз билан боғлиқ, деб ўйлайман. Эркин Воҳидовнинг “Ҳозирги ёшлар” шеъри қаҳрамони ўз ўғли қизрасига Шарлотта деб исм қўйганидан хафа бўлади. Кекса отахон биладики, набираси Шарлотта ўн саккизга киргандага ҳам атлас қўйлак киймайди. Ўз номига муносаб бўлиш учун ҳам тор шим, калта юбка кийишини одат қиласи. Таълананаётган атамалар ҳам, айтидан, шундай маънавий муаммолар оқибати. Бу ерда, юқорида айтганимдек, жон ва юракни нафс итига ташлаб кун қуриш касали хуружини пайқаш қийин эмас. Ўз номи

**Советлар мафкураси ўзбекдан бошқа собиқ иттифоқ ҳукми остидаги бирорта миллатни юз йил ичида тўрут бор алифбо алмаштиришга мажбурламаган. Зотан, бу қаттол мафкура СССР ҳудудидаги ҳеч бир ҳалқ ўз давлатчилиги, маданияти, тили ва адабиёти тарихининг қадимийлиги нуқтаи назаридан ўзбек ҳалқига тенг келмаслигини, бундай улкан чинорни қулатмай туриб, тўла ҳукмронликка эриша олмаслигини яхши билган.**

шакллантириш учун, дастлаб, қорлук, ўғуз, қипчоқ лаҳжалари асосида қомусий лугат ишлаб чиқиш, адабий тил меъёрларини шу пойдевор устига қуриш, шундан сўнггина янги адабий тил имкониятларини ифодалашга ярайдиган алифбони танлаш лозим.

Учинчидан, бошқарув-идора, матбуот, қонун, таълим тилини юз фоиз ўзбек адабий тил меъёрлари асосида қайта шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда таълим

билан аталмаган ҳар не моҳиятдан айро тушади. Зеро, исмда моҳият, асл моҳиятда исм яшайди.

Жадид мутафаккири Маҳмудхўжа Беҳбудий етти отасини танимаган инсонни қул — марқук, деб атаган эди. Улуг бобомиз сўзларини бугун куйидаги шаклда қўллаш эҳтиёжи бор: “Она тилини унугтан ҳалқ қулилкка маҳкумдир!”.

**Ирода УСМОНОВА**  
сұжбатлашы.